

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

АБСАЛАМОВА ГУЛМИРА ШАРИФОВНА

**МИШЕЛ МОНТЕН ИЖОДИДА “ОИЛА ТАРБИЯСИ ФАЗИЛАТЛАРИ”
ЛЕКСИКАСИНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОНИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philological sciences

Абсаламова Гулмира Шарифовна

Мишел Монтен ижодида “оила тарбияси фазилатлари” лексикасининг семантик майдони..... 3

Абсаламова Гульмира Шарифовна

Семантическое поле лексики “достоинства семейного воспитания” в творчестве Мишеля Монтеня 23

Absalamova Gulmira Sharifovna

The Semantic Field of “The Virtues of Family Education” Vocabulary in the Creation of Michel Montaigne 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

АБСАЛАМОВА ГУЛМИРА ШАРИФОВНА

МИШЕЛ МОНТЕН ИЖОДИДА “ОИЛА ТАРБИЯСИ ФАЗИЛАТЛАРИ”
ЛЕКСИКАСИНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОНИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.1.PhD/Fil1973 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадманов Қурбон Бадриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий ошпоментлар:

Носиров Абдурахим Абдумуталипович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Мустаева Гулдора Салахиддиновна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (236 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87)

Диссертация автореферати 2022 йил «14» декабрь кuni тарқатилди.
(2022 йил «14» декабрь даги № 22-31 рақамли реестр баённомаси).



Д.С.Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ва адабиётшунослиги тараққиётида мутафаккирлар ижодини ўрганишга қаратилган бир қанча тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, ҳозирги глобаллашув шароитида адиблар асарларини маданиятлараро ҳамда тиллараро аспектда тадқиқ этиш, уларнинг тарбиявий, ахлоқий-фалсафий жиҳатларини ёритишнинг янги усулларини излаш ва татбиқ этиш заруратга айланиб бормоқда. Зеро, тил ва маданият муносабати, ижтимоий ҳаётда шу муносабатнинг ифодаси, мантиқий ва тарбиявий масалаларни тадқиқ этишда лисоний бирликлар семантикасига эътибор қаратиш зарурки, бунда лексемаларга хос лингвомаданий маъно хусусиятларининг асар муаллифи лингвофалсафий тафаккурида яхлит тушунча сифатида акс этиши муҳим аҳамият касб этади.

Дунё илм-фанида етакчи илмий марказлар, тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари томонидан Европа Ренессанс даврида вужудга келган маънавий-маърифий, фалсафий-ахлоқий, умуминсоний қадриятларга содиқлик, бағрикенглик, ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатлик, соғлом фикр, илм олишга қаратилган муҳим ғоялар устида қатор фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу доирада Европа Ренессанс даврининг забардаст вакили, француз ёзувчиси Мишел Монтен илмий-педагогик меросида илгари сурилган оила муқаддаслиги ва фаровонлиги, руҳий-маънавий уйғунлик, эътиқод мустаҳкамлиги, бағрикенглик, ўзликни англаш, иймон-эътиқод, виждон поклиги, ақл баркамоллиги, инсонпарварлик ҳамда оилада фарзанд тарбиясига муносабат каби позитив ғоялар асосида уни оқил шахс сифатида тарбиялаш, бу борада инсоннинг ўз хатти-ҳаракати, фаолиятига масъуллиги масалаларини илмий-назарий, фалсафий-методологик ва гуманистик қарашларни ҳар томонлама тизимли тадқиқ этиш зарурати устуворлик ва долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкам қуриш, бу борада жаҳон миқёсидаги буюк мутафаккир ва олимларнинг илмий-назарий меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу ғоя ва анъаналари руҳида тарбиялаш, маърифатли жамиятни тараққий топтириш борасида муҳим илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Зеро, “Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”¹. Шу жиҳатдан олганда, Европа Уйғониш даврининг инсонпарварлик моҳияти тарғиботига улкан ҳисса қўшган буюк француз адиби ва файласуфи Мишел Монтеннинг умуминсоний қадрият ва ғоялар асосига қурилган “Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги “оила тарбияси фазилатлари” тушунчаси доирасига мансуб инсонпарварлик ғояларининг илмий-назарий, лисоний-адабий аспектдаги тадқиқи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

1 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 23.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон «Таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа мавзуга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уйғониш даврининг моҳиятини англашда ушбу жараён адабиёт намояндалари асарларининг ўрни, аҳамияти ва уларнинг тил ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ этишда дунё олимларидан Л. Линдвалл (L. Lindvall), А.Джоуанна (A. Jouanna), Д. Коулман (D. Coleman), Пьер Вилле (Pierre Villey), Филипп Десан (Philippe Desan), Дэниел Менажер (Daniel Ménager), А.Лагард (A. Lagarde), Н.Д.Арутюнова, шунингдек, ўзбек олимларидан Ф.Сулаймонова, Б.Қосимов²нинг илмий кузатишлари алоҳида эътиборга молик.

Ренессанс ғоялари асосида яратилган адабиётларда ўсиб келаётган фарзанд ҳамда унинг оиладаги тарбияси, фазилат хислатларини шакллантиришда ота-онанинг ўрни ва аҳамияти, етук инсонни камолга етказишга бағишланган изланишлар қатор хорижлик тадқиқотчилар, жумладан, Алиса Антон Филиппон (Alice Anton Philippon), Анн-Лора Ферте (Anne-Laure Ferté), Ракель Эрреро-Ариас (Raquel Herrero-Arias), Графиати (Grafati), Дэвис (Davies), Элейн Хоффман (Elaine Hoffman), ўзбек олимларидан М.Ишанова, О.Хасанбоева³ томонидан амалга оширилган.

² Lindvall L. Sempres, lues, tost, viste et leurs synonymes: etude lexicographique d'un groupe de mots dans le francais des XII-XVI siecles. –Goteborg, 1971. – 230 p.; Jouanna A. Recherches sur la notion d'honneur au XVIe siècle. Revue d'Histoire Moderne et Contemporaine, 1968. – 623 p.; Coleman D. The Gallo-Roman Muse: Aspects of Roman Literary Tradition in Sixteenth-Century France. – Cambridge, 1979. – 208 p.

Villey P. La vie et l'oeuvre de Montaigne II Montaigne. Les Essais. -Paris, 1988.-L. 1.– P. 17-32.; Philippe Desan “The Public Life of Montaigne”, in The Oxford Handbook of Montaigne, ed. (New York: Oxford University Press, 2016). – 137 p.; Menager D. Introduction a la vie litteraire du XVI s. – Paris, 1976. – 202 p.; A.Lagarde, Xviie Siecle (Collection Litteraire),Bordas,1961. – 450 p.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека.– М., 1998. – 896 с.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.,1991. – 416 б.; Қосимов Б. Миллий Уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002. – 402 б.

³Alice Anton Philippon, L'accrochage scolaire des jeunes confiés à une famille d'accueil : Une réussite scolaire a typique au regard des parcours de vie, De l'Université Côte d'Azur, le 08 Mars 2017. – 442 p.;Anne-Laure Ferté, Donner naissance et élever un enfant : quel accompagnement quand parents et professionnels ne partagent pas les mêmes représentations culturelles. – Èrès, 2020.– pag.: 131-141.; Raquel Herrero-Arias, Doctoral Thesis-Negotiating parenting culture, identity, and belonging: The experiences of Southern European parents raising their children in Norway. Thesis for the degree of Philosophiae Doctor (PhD). University of Bergen, Norway, 2021.– 220 p.; Grafati, Child/Young and Family', Chicago, 5 February, 2022. – 101p.; Davies, Adult family members', Master

Тил тизими ва лисоний бирликларни ўрганишда лингвофалсафий ҳамда лингвомаданий ёндашув Ф.Грей Х.Венделл, Фредерик Дювер (Frédéric Duvert), Н.Ф.Алефиренко, Н.Д.Арутюнова, А.П.Бабушкин, Н.Н. Болдырев, А. Вежбицкая, С.Г. Воркачѳв, В.В. Воробѳѳев, Д.О.Добровольский, В.И. Карасик, О.А.Корнилов, Е.С.Кубрякова, В.А.Маслова, Г.Г.Слышкин, С.Г.Тер-Минасова⁴ каби хорижий тилшуносларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. М.А.Терпак ўз тадқиқотида эса инглиз тилида “family” лингвомаданий концепти ва унинг коннотатив мазмунини шакллантирувчи усулларни тизимлаштириш ижтимоий нормалар ҳамда қадриятлар стереотипи муаммосини тадқиқ этган бўлса, В.И.Постовалова рус тилининг фразеологик таркибини антропологик парадигма нуқтаи назаридан таҳлил қилган, О.Б.Смирнова⁵ ўз кузатувларини “ота ва она образларини турли тузилишли тилларнинг фразеологик тизими” хусусида олиб бориб лексемаларнинг миллий маданий жиҳатларини очиб берган.

А.Н.Байрамукова этник ва маданий аънаналарда оилавий тарбия тўғрисида, А.Н.Боднева оилавий таълим тизимининг ривожланиши унда ўсаётган инсон жисмоний ва маънавий ҳаётининг бутун мажмуасига чуқур таъсир кўрсатиш жойи бўлмиш оила ва ундаги тарбиявий муҳит билан боғлиқ шахс пойдеворини шакллантиришга доир изланишлар олиб борган⁶.

Thesis, University of Cape Town, 2007. <http://hdl.handle.net/11427/2970>., Elaine Hoffman ,Raising a child with Autism, Stellenbosch University 2012.; Арутюновна Е. Семейное воспитание как средство предупреждения правонарушений несовершеннолетних подростков.– Карачаевск, 2004. –187 с.; Зиядиновна Д. Социально-педагогическая профилактика правонарушений несовершеннолетних детей. – Махачкала, 2005.–175 с.

Михайловна Р. Социальное партнерство как фактор профилактики девиантного поведения подростков. – Чебоксары, 2006. – 26 с.; Ishanova M. Oila pedagogikasi. – Andijon, 2019.–151 б.; Hasanboyeva O. va b. Oila pedagogikasi. – Т., 2007. – 151 б.

⁴Gray F. Le style de Montaigne. – Paris, 1958. – 262 p.; Wendell H. Etude sur la langue des essais de Michel de Montaigne. – Stochkolm, 1882. – 99 p.; Frédéric Duvert, Composition sémantique pour la langue orale. – Avignon, 2010/ – 201 p.; Алефиренко Н.Ф. Синергетика лингвокультурологии как методологическая проблема // Русское слово в центре Европы: сегодня и завтра. – Братислава, 2005. – С. 75-79.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Яз. рус. культуры, 1998.; Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1996.; Болдырев Н.Н. Языковые механизмы оценочной категоризации // Реальность, язык и сознание: Междунар. межвуз. сб. науч. тр. – Тамбов, 2002. – С. 360-369.; Вежбицкая А. Культурно-обусловленные сценарии и их когнитивный статус // Язык и структура знания / Отв. ред. Р.М.Фрумкина. – М.: Наука, 1990. – С. 63-85.; Воркачев С.Г. Этносемантика паремии: сопоставительный анализ ме-тафоризированных показателей безразличия в русском и испанском языках // Языковая личность: культурные концепты. – Волгоград, Архангельск: Перемена, 1996. – С. 16-25.; Карасик В.И. Культурные доминанты в языке // Языковая личность: культурные концепты: Сб. науч. тр. – Волгоград, Архангельск: Перемена, 1996. – С. 3-16.; Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – М.: ЧеРо, 2003.; Кубрякова Е.С. Роль словообразования в формировании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М., 1988.; Кубрякова Е.С. Роль словообразования в формировании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке: Язык и картина мира. – М., 1988.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001. – 208 с.; Слышкин Г.Г. Лингвокультурные концепты и метаконцепты. – Волгоград: Перемена, 2004.; Тер-Минасова С.Г. Война и мир языков и культур. Слово / Slovo. – Москва, 2000.

⁵Постовалова В.И. Лингвокультурология в свете антропологической парадигмы (к проблеме оснований и границ современной фразеологии) // Фразеология в контексте культуры. – Москва, 1999. – С. 28-34.; Смирнова О.Б. Образы матери и отца во фразеологии разноструктурных языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск: ГОУ ВПО «Астраханский государственный университет», 2009. – 27 с.; Терпак М.А. Английский лингвокультурный концепт «семья» и способы его коннотативного содержания в языке (на материале семантического поля «Родственные отношения»): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара: СамГПИ, 2006. – 26 с.

⁶ Байрамукова А.Н. Семейное воспитание в этнокультурных традициях карачаевского и ногайского народов: Дис. ... канд. пед. наук : 13.00.01. – Карачаевск, 2005. – 161 с. РГБ ОД, 61:05-13/1446;

Тилшунос Н.В.Багичева қариндошлик атамаларининг лексик ва прагматик семантикасини тадқиқ этган бўлса, Н.В.Бискулатов тадқиқоти антропонимлар ва қариндошлик терминларининг назарий тавсифига, Г.В.Дзибелнинг илмий изланиши эса этнографик, лингвистик контекст доирасида қариндошлик атамалари тизимини таҳлил қилишга бағишланган⁷.

Ўзбек файласуф тадқиқотчиларидан Д.Ғофуров Маҳдуми Аъзам маънавий меросида оила фаровонлиги ва фарзанд тарбияси масаласини ўрганган, У.Қурбонов Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асарини фалсафий нуқтаи назардан таҳлилга тортиб ахлоқий ғоялар аҳамиятини очиб бериш, илмий-назарий, маънавий-маърифий аҳамияти ҳамда ижтимоий тараққиётни таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар берган, олима Н.З.Насруллаеванинг илмий изланишларида “эркак ва аёлнинг оиладаги роли ҳамда гендер жиҳатлар”и, оилавий муносабатлар ва тарбия масалалари акс этган⁸.

Бугунги ўзгаришлар шароитида ижодкор Мишел Монтеннинг улкан лисоний-фалсафий мероси турли соҳа мутахассислари томонидан ўрганилаётган бўлса-да, мазкур мавзу лингвистик-адабий жиҳатдан монографик планда тадқиқ этилмаган. Тадқиқот учун юқорида номлари қайд этилган, шунингдек, бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тил фалсафаси соҳаси олимларининг илмий изланишлари назарий манба сифатида хизмат қилади. Мазкур диссертация ушбу йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Мишел Монтен ҳаёти ва илмий меросига оид монографияларда унинг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси, оила, фарзанд тарбияси, оилада фарзанд тарбиясининг ижобий, салбий фазилатлари ва уларнинг аҳамияти Монтеннинг “Les Essais” (“Тажрибалар”) асари асосида лексик-семантик майдон нуқтаи назаридан таҳлилга тортилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедрасининг 2019-2022 йилларга мўлжалланган “Тил, маданият, таржима ва мулоқот муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ёзувчиси Мишел Монтен ижодидаги “оила тарбияси фазилатлари” лексемаларини ўрганиш, ушбу концептнинг умумбашарий ва миллий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

Боднева Н.А. Становление и развитие системы семейного воспитания в терском казачестве (вторая половина XIX - начало XXI вв.): Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Белгород, 2008.

⁷ Багичева Н.В. Лексическая и прагматическая семантика терминов родства // Функциональная семантика слова. – Екатеринбург, 1993. – С. 77-84.; Бискулатов Н.В. Антропонимы и термины родства // Ономастика Поволжья. – Уфа, 1973. – № 3. – С. 100-107.; Дзибель Г.В. Термин родства и система терминов родства: лингвистический контекст в отношении к этнографическому // Алгебра родства. Вып. 2. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 89-134.

⁸Ғофуров Д.О. Маҳдуми Аъзам маънавий меросида оила фаровонлиги ва фарзанд тарбияси масаласи. Фалсафа фан.бўйича номз.диссер. автореферати. – Бухоро, 2021.; Қурбонов У.Э. Етук ахлоқий шахсни шакллантиришнинг фалсафий омиллари (М.Монтеннинг “Тажрибалар” асари асосида): Фалсафа фан.бўйича номз.диссер. автореферати. – Бухоро, 2022.

Насруллаева Н.З. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 2018. – 250 с.

Мишел Монтен томонидан талқин қилинган оила ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар таҳлили ҳамда тавсифида қўлланилган лексемаларнинг семантик майдонини аниқлаш;

“оила тарбияси фазилатлари” тушунчаси доирасидаги сўзларнинг лексик-семантик хусусиятини очиб бериш;

ёзувчининг интроспекция жараёни призмасида “оила тарбияси фазилатлари” лексемаларини қўллашдаги ўзига хос жиҳатларини ёритиш;

“оила тарбияси фазилатлари”ни ифодаловчи лексик бирликларни функционал-синтактик ва лингвомаданий таҳлил қилиш, уларнинг семантик ифодаланишини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мишел Монтеннинг “Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги оила ва фарзанд тарбиясидаги “*l’enfant*” (бола), “*la famille*” (оила), “*éducation*” (тарбия), “*vertu*” (фазилат) каби лексемалар, шунингдек, уларнинг ядро ва перифериясини ифодаловчи лексик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини Мишел Монтеннинг “Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги “оила ва фарзанд тарбияси” фазилатларига оид тушунчаларни ифодаловчи лисоний бирликларнинг лексик ҳамда семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-генетик, ижтимоий-маданий, лексик-семантик, компонент, контекстуал, когнитив-дискурсив, статистик каби таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Европа Уйғониш даври гуманисти Мишел Монтен асарларида “оила тарбияси фазилатлари” тушунчасини ифодаловчи лексик бирликларнинг лексик-семантик майдони француз тилининг миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, тил ва нутқ маданияти, миллий менталитети, дунёқараши, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккури каби омиллар интеграцияси негизида шаклланганлиги исботланган;

Мишел Монтен ижодида “оила тарбияси фазилатлари” тушунчасининг концепцияси ҳамда хулқ-атвор, саъй-ҳаракатларнинг бирлиги ғояси билан боғлиқ лексик бирликлар интертекстуалликни ҳосил қилишда, бадий матннинг эстетик таъсирчанлигини ошириш, поэтик матнни шакллантириш, ижодкорнинг субъектив баҳоси ва муносабатини кўрсатиш, комил инсонни тарбиялашда муҳим омил эканлиги лексик-семантик ҳамда компонент таҳлил орқали асосланган;

Мишел Монтен илмий-маънавий меросида фарзанд тарбияси тушунчалари масаласида ахлоқий-эстетик муаммолар ечимини топиш йўлидаги бунёдкорликка ундовчи ғоявий асос миллат менталитетига хос бўлган мантиқий, лисоний, маданий-ахлоқий тафаккурнинг вербаллашув ҳодисаси эканлиги аниқланган;

“Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги оила тарбияси фазилатлари тушунчасини ифодаловчи “*l’enfant*” (бола), “*la famille*” (оила), “*éducation*” (тарбия), “*vertu*” (фазилат) сингари лексик бирликларнинг лексик-семантик жиҳатлари нейтрал ва эмоционаллиги, контекстга боғлиқ ва боғлиқ

эмаслигида намоён бўлиши, уларнинг турли матнлар доирасида контекстуал мазмун касб этиши, турли контекстларда таърифланишга эҳтиёж сезиш ва сезмаслик табиати сабаб бўлиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мишел Монтеннинг “Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги оила тарбияси фазилатларини ифодаловчи лексемаларнинг семантик майдони аниқланган;

фарзанд тарбиясида оила муқаддаслиги, ота-онанинг ўрни, қалб тарбияси муҳимлиги “Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги оила тарбияси фазилатлари масаласи асосида талқин қилинган ва ахлоқий жиҳатдан далилланган;

Мишел Монтеннинг “Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги оила тарбияси фазилатлари бугунги кун адабиётшунослиги ва бадиий тафаккурини янада ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда буюк француз ёзувчиси, файласуфи адабий меросининг лингвофалсафий аҳамияти очиқ берилган;

тадқиқот таҳлили ва натижаларидан тарихий лексикология, француз адабиёти назарияси, тил тарихи ва тил фалсафаси бўйича маъруза курслари, ўқув қўлланмалар тайёрлаш ҳамда амалий машғулотларда фойдаланиш юзасидан бир қатор назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларнинг ўрганилаётган давр тарихий-бадиий воқелигига ҳамда илмий кузатувнинг тарихий-фалсафий, лисоний ва матн таҳлили усуллари асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, Мишел Монтеннинг “Les Essais” (“Тажрибалар”) асарида оила тарбияси фазилатлари билан боғлиқ тушунчаларнинг мавжудлиги, илмий-назарий адабиётларга таянилганлиги, хулоса, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотни илмий талқин қилиш учун таклиф этилган методикадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тадқиқот натижалари француз тили тарихи лисоний бирликларининг семантик майдонини ўрганишга татбиқ этиш имкониятида намоён бўлади. Диссертация ишининг назарий хулосалари қиёсий лексикология, фалсафа ва мантиқ илми, шунингдек, фарзанд тарбиясига оид билимларни бойитишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида адабиётшунослик, социолингвистика, психолингвистика фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, адабиётшуносликка кириш, француз адабиёти бўйича махсус курсларни ўқитишда ва мутахассисларнинг назарий-амалий билимларини мустаҳкамлашда хизмат қилиши, шунингдек, тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда, курс ва малакавий битирув ҳамда магистрлик ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мишел Монтен ижодидаги “оила ва фарзанд тарбияси” билан боғлиқ бўлган лисоний бирликларнинг қўлланилишини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Европа Уйғониш даври гуманисти Мишел Монтен асарларида “оила тарбияси фазилатлари” тушунчасини ифодаловчи лексик бирликларнинг лексик-семантик майдони билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институти томонидан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 1 апрелдаги №17.01./105 - сон маълумотномаси). Натижада француз тилининг миллий-лисоний, номинацион-мотивацион, тил ва нутқ маданияти, миллий менталитети, дунёқараш, руҳияти, эътиқодий тушунчалари, ўзига хос урф-одат ва маросимлари, поэтик тафаккури каби омиллар интеграцияси борасида тавсиялар шакллантирилган;

Мишел Монтен ижодида оила тарбияси фазилатлари тушунчасининг концепцияси ҳамда хулқ-атвор, саъй-ҳаракатларнинг бирлиги ғояси билан боғлиқ илмий хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” халқаро лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 27 апрелдаги 1057/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада оила ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ атамаларнинг шаклланиш усуллари, уларнинг семантик майдонда ифодаланиши ва лингвокультурологик хусусиятлари очиқ берилган;

“Les Essais” (“Тажрибалар”) асаридаги оила тарбияси фазилатлари тушунчасини ифодаловчи “*l’enfant*” (бола), “*la famille*” (оила), “*éducation*” (тарбия), “*vertu*” (фазилат) сингари лексик бирликларнинг лексик-семантик жиҳатларининг нейтрал ва эмоционаллиги, контекстга боғлиқ ва боғлиқ эмаслигида намоён бўлиш, уларнинг турли матнлар доирасида контекстуал мазмун касб этиши билан боғлиқ хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг “Developing the Teaching of European Languages: Modernising Language Teaching through the development of blended Masters Programmes” мавзусидаги Tempus Project 544161 - TEMPUS-1 -2013-1 -UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL халқаро лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллари институтининг 2022 йил 27 апрелдаги 1056/30.02.01- сон маълумотномаси). Натижада ёшларда илм-маърифатга асосланган ғоялар, маърифий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган вазифаларнинг самарадорлигини таъминлаш борасида тавсиялар шакллантирилган;

Мишел Монтен илмий-маънавий меросида фарзанд тарбияси тушунчалари масаласида ахлоқий-эстетик муаммолар ечимини топиш йўлидаги бунёдкорликка ундовчи ғоявий асос миллат менталитетига хос бўлган мантикий, лисоний, маданий-ахлоқий тафаккурнинг вербаллашув

ходисасига доир тадқиқот материалларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатуви сценарийсини ҳамда “Оила – муқаддас даргоҳ” радиоэшиттиришининг кун тартибини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 27 апрелдаги 01-12/167-сон маълумотномаси). Натижада оила тарбияси фазилатлари тушунчасининг концепцияси ҳамда фарзанд тарбиясида оила муқаддаслиги, ота-онага хурмат, қалб тарбиясининг муҳимлиги, нафси жиловлаш, меърга солиш ва оилада яхши хулқ-атвори шакллантиришга оид умуминсоний кадрятлар тушунчаларининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва атамалар изоҳидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқонинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг илмий-назарий асослари”** деб аталган биринчи боби **“Уйғониш даври: тадқиқ ва талқин”**, **“Ренессанс даври француз адабиётида маданият тараққиёти”**, **“Мишел Монтен – ахлоқ-одоб ўргатувчи, гуманистик маърифатпарвар инсон”** номли уч фаслдан таркиб топган бўлиб, уларда Европа ва Шарқда Уйғониш даври тадрижий босқичлари ҳамда намоёндаларининг адабиёт, асарларида оила ва фарзанд тарбиясидаги қарашларининг ўрни француз Ренессанс адабиёти, мутафаккир Мишел Монтеннинг ахлоқ одоб тўғрисидаги асар ва олимлар ёндашувларидаги аҳамияти борасида фикр юритилган.

Тарихдаги бир неча асрлик тажрибалар турли замон намоёндаларининг тил ва адабиётини тадқиқ этиши мақбул йўл ҳисобланиб, бу йўлда илмни тадқиқ этганларни ҳамда маърифат улашган адабиётшунос олимларнинг ижодини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Европада Уйғониш даври XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, XVII асргача давом этди. Ренессанс илм-фан, маданият ва санъатда ўзини намоён қилди. Уйғониш даврининг буюк намоёндалари инсон шахсини

улуғлаб, унинг кадр-қиммати, хис-туйғуларини кадрлаган ҳамда рух эркинлигини юқори кўйган. Шу боисдан, бу давр вакиллари гуманистлар дея номланади. Гуманистлар антик адабиётга алоҳида хурмат билан қараб, Рим ва юнон адабиётига юқори баҳо берган, Гомер дostonларини нашр қилдирган. Ғарбий Европада ташкил қилинган университетларда қадимги – лотин, грек, яҳудий тиллари ўқитилган. Уйғониш даврининг бошланиши даставвал Италияда намоён бўлиб, унинг илк йирик вакили Дантэ саналади. Кейинчалик Петрарка шеърлари, Бокаччо ҳикояларида бу даврга хос асосий белгилар мавҳум рамзий образлар ўрнини реалистик образлар эгаллаши, воқеликни аслига мувофиқ тасвирлашга интилиш кабилар кўзга ташланади. Бу ҳаракат кейинчалик бутун Европага тарқалиб, Леонардо да Винчи, Жордано Бруно, Коперник, Раблэ, Сервантес каби йирик мутафаккир ва улуғ ёзувчиларни юзага келтирди.

Европа Уйғониш даврининг истиснодан тенгсиз вакилларида Уилям Шекспир (1564-1616 йй.), Томас Мор (1478-1555йй.), етакчи сиймоларидан Томазо Кампанелла актёр ва драматург⁹ уларнинг асарлари оилада болаларнинг тарбиясини ташкил этиш, фуқароларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатда бирдек фаол иштирок этишлари, бўлғуси авлоднинг соғлом бўлиши, фарзандни икки ёшидан бошлаб ижтимоий муносабатларга тайёрлашга масъулиятли ёндашиш зарурлигини ифодалашга хизмат қилади.

XVI асрдан бошлаб муаллифларнинг ҳаётий тажрибалари асосида Европада бевосита таълим ҳамда болаларни тўғри тарбиялаш масалаларини ёритган асарлар яратила бошланди. Уларнинг муаллифлари “маърифатпарварлар” деб номланиб, “Дидактика” фанининг асосчиси Ян Амос Коменский (1592-1670 йй.) алоҳида ўрин тутади. 1627 йилда педагогик фаолиятини бошлаган Я.А.Коменский 1632 йилда “Чех дидактикаси” асарини яратди. Асарда ҳар бир инсон ҳаёти учун муҳим масалалар хусусида сўз юритилган. Инглиз файласуфи Жон Локк (1632-1704 йй.) ўзининг педагогик қарашларини “Тарбия ҳақида айрим фикрлар” асарида баён этган.¹⁰ Шундайин, Иоганн Генрих Песталоцци (1746-1827 йй.), Я.Корчак (1879-1942 йй.), тарбиянинг мақсади ҳар бир боланинг қобилиятини эркин, тўлақонли ривожлантириш, унинг шахсини эзгулик, гўзаллик, эркинлик ғоялари асосида шакллантиришни асарларида тарғиб этганлар.

Машҳур рус ёзувчилари – А.И.Герцен, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой ва Н.А.Добролюбовлар тараққиётпарвар шахслар сифатида жамият ҳаётига дахлдор, хусусан, оила тарбияси самарадорлигини оширишга доир илғор фикрларни илгари суришган.¹¹ Наталья Григорьевна Долинина (1928-1979 йй.) ҳам ўз очеркларида оила шароитида болаларни ахлоқий тарбиялаш масалаларини кенг ёритган.¹² Гуманист, атоқли жамоат арбоби Пётр Францевич Лесгафт (1837-1909 йй.) ўз асарларида инсонпарварлик ва демократик ғоялар, инсониятнинг маънавий ва руҳий камолоти учун

⁹ Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент: Фан. 1978. - 6 б.

¹⁰ Локк Ж. Таълим ҳақидаги фикрлар // Асарлар: 3 жилдда – Т.3. - М., 1988. - 352 б.

¹¹ Ушаков Д.Н. Русское правописание. Очерк его происхождения, отношения его к языку и вопроса о его реформе. – М., 1911. – 50 с.

¹² Данилкина А.В. Долинина Наталья Григорьевна // Русские детские писатели XX века: Библиографический словарь. — М.: Флинта; Наука, 1997. 13б.

курашувини баён қилади¹³. Халқларнинг педагогик маданияти билан жуда қизиққан рус ёзувчиси В.Г.Белинский: “Ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, асосан фақат шу миллатга хос дунёқараш, дин, тил, урф-одатлар ва анъаналардир” - дейди.

Ёшларни инсоний фазилятлар руҳида тарбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, Ҳадиси шариф муҳим саналади. Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлари”, Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари, ҳикматлари муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараққиётида катта маданиятни яратган. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил Ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али Ибн Сино, Фариддин Аттор, Марғилоний Алишер Навоий, Низомий Ганжавий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, иффат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, ота-онани ҳурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўладилар¹⁴. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дўстлик, ота-онага садоқат, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилятларни қамраб олади. Айтиш жоизки, мозийнинг тадқиқ ва талқинидан кўринадики, илм-маърифат фанга эътибор Уйғониш даврининг оила ва фарзанд тарбияси тўғрисидаги мероси ҳар бир давр учун қимматлидир.

Француз адабиёти маданият тараққиётида “Ренессанс” атамаси француз тилидан олинган бўлиб “қайта туғилиш” мазмунидаги илм-фан, санъат, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узок муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиш, ривожланиш, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини англатади. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин 15-16 асрлардаги ривожланиш даврига

Диссертациянинг **“Мишел Монтен “Тажрибалар” асарида тарбияга оид лексемаларнинг ифодаланиши”** деб номланган иккинчи боби “Мишел Монтеннинг лингвофалсафий қарашлари”, “Тажрибалар” асарида фазилят тушунчаси ифодасининг тарихий-компаративистик омиллари”, “Фарзанд тарбиясида “салбий жиҳат” лексемаларининг ижобийлик томонлари” сингари уч фаслдан таркиб топган. Бу фаслларда Мишел Монтеннинг фалсафий қарашлари лисондаги ифодаси, интеллектуал инсон арсеналида чуқур гуманитар таълимни ўз ичига олган шахснинг қарашлари, фазилят тушунчасидаги сўзларнинг тарихий муҳит билан боғлиқлиги, тарбиядаги салбий ҳислатларнинг тағ замиридаги ижобийлик жиҳатлари кўрсатиб берилган.

“Мишел Монтеннинг фалсафий қарашлари монтеншуносликнинг мураккаб муаммоларидан биридир,”¹⁵ дейди тадқиқотчилар. Монтеннинг

¹³ С.Ф. Эгорова. Россияда педагогика тарихи. - М.: Флинта, 2014. - 305б.

¹⁴ Самадов А., М.Эргашева. Шахс эстетик идеали: шаклланиш ва ривожланиши муаммолари. – Тошкент, 2021. – 11 б.

¹⁵ Ғайбуллаев О. Шахс эстетик маданиятининг шаклланиш ва ривожланиши муаммолари: Фалс. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 20 б

“Тажрибалар”ини синчиклаб ўрганиш мутафаккирнинг фалсафий қарашларини бир маънода тавсифлаб бўлмаслигини кўрсатади. У соф файласуф эмас эди, “лекин Уйғониш даврининг барча ёзувчилари сингари у ҳам давом этаётган жараёнларни фалсафий тушуниш ва янги йўл-йўриқлар излашга шўнғиб кетган.”¹⁶ “Тажрибалар” асарининг 1580 йилдаги нашрида таъкидланишича, Стоиклар *фазилат* (французча “*vertu*”) сўзини улуғлайди. “Эзгулик ҳақида” бобида муаллиф “Эзгуликнинг олий мақсади ва тожи – доимийликдир”¹⁷ дея ёзади. Бундай ёндашув эса муаллифнинг ушбу ғояга, умуман, таълим-тарбияга, хусусан, болалар тарбияси масаласига жуда катта эътибор қаратишидан далолат беради. Монтен учун “яхши фазилат” барча инсоний фазилатларнинг идеалидир. Муаллиф фалсафий тафаккур ривожининг ҳозирги босқичида “яхши фазилат” фақат ироданинг доимий ҳамда тинимсиз саъй-ҳаракатлари натижаси бўлиши мумкинлигини ва шу билан у одатдаги табиий меҳр-оқибатдан фарқ қилишини таъкидлайди.

1580 йилдан кейинги нашрларида Монтен “Тажрибалар”ида яхши фазилат ва завқ уйғунлигини улуғлайди, “яхши фазилат”нинг пировард мақсади завқ эканлигини таъкидлайди¹⁸. Мишел Монтен сўзларни қўллашдаги моҳирлик услубнинг соддалиги, адабий тилни бойитишдаги муносабатида намоён бўлиб бораверади.

Монтеннинг болалигидаги она тили лотин тили бўлган, аммо гаскон диалекти бу даврда муҳим ўрин эгаллаган, шу сабаб ҳам асарда 30 га яқин гаскон диалектига хос *appiler, asture, bastine, bavasser, bonnetade, boutades, desconsoler, estrette, harpade, palot, parentalle, passade, retirer à revirade, stropiat* каби сўзларни кузатиш мумкин.

Адабиёт Монтен учун одам ўзини руҳ ва тананинг, мавҳум ва аниқ, тушунча ва сезгиларнинг органик бирлиги сифатида намоён қилади. Шунингдек, Монтен идроки кучли бўлса-да, ундан жуда шахсий фойдаланади ва шу тарзда бегона элементларни қандай киритиш кераклигини моҳирлик билан ўз асарида кўрсатиб беради.

Француз мутафаккири Монтенда учрайдиган юнон муаллифларини аниқлаш мақсадида адиб мутолаа қилган асарларнинг хронологияси тузиб чиқилди. “Тажрибалар”ни ёзишнинг биринчи босқичида, яъни 1572-1580 йилларда Плутархнинг “*Vies parallèles*” – “Ёндош ҳаёт” китобининг юқори мавқе эгаллаши ҳисобига юнон адабиёти устунлиги туфайли 1580 йилдан бошлаб Монтен ундан 90 та кўчирма олган¹⁹. “*Oeuvres morales*” – “Маънавий” асаридан эса 125 та кўчирмани ўз асари матнига киритган. 1565 йилда “*Vies*” ва 1572 йилда “*Oeuvres morales*” асарларини Жак Амио таржимаси орқали Монтен мутолаа қилиб, ўз асаридаги ахлоқий масалалар талқинида улардан самарали фойдаланган. Шунингдек, тарихчилар ҳам Монтеннинг эътиборини тортган. Жак Амио таржимасида сицилиялик

¹⁶Ермоленко Г.Н. Лафонтен и Монтень// Философские аспекты культуры и литературный процесс в XVII столетии: материалы конференции “Пятое Лафонтеновские чтения” / под ред. А.А. Скакуна [идр.]. – СПб., 1999. – 13 с.

¹⁷ Montaigne M. Les Essais / edition de Pierre Villey. – Paris: Presses Universitaires de France, Livre I,II,III (Volume 1,2,3), 1965. – 294 p.

¹⁸ Aulotte R. Montaigne: “Essais”. – Paris, 1988. – 77 p. яна қаранг: 181, 267-270; 92, 102-103


¹⁹ Aulotte R. Amyot et Plutarque. – Genève, 1965. – P. 405.

Диодорнинг асарлари билан танишиб, “Тажрибалар” асари учун 25 та сўзни ўзлаштирма сифатида олган, шулардан 4 таси 1580 йилдан бошлаб мулоқотда қўлланган. Иккинчи даврда, яъни 1588 йилдан аввал, никомедиялик Арриан мутолааларидан 4 та кўчирма, Плутархнинг асарларидан 15 та кўчирма, хусусан, Аристотелнинг “*l'Éthique à Nicomaque*” китобидан 18 та кўчирма Монтен асарларидан ўрин олган. Диоген Лаэрс асарларидан 130 та, Геродотдан 50 та, сицилиялик Диодордан 23 та иқтибос “Тажрибалар” асарида ўз аксини топган. Ксепифондан 20 та ва византиялик тарихчи Калкондитдан 14 та кўчирма олинган ва уларнинг асарлари Монтен томонидан кенг тадқиқ қилинган²⁰. 1588 йилдан кейин Платондан олинган иқтибослар миқдори ортиб борганлигидан унинг асаридан олинган 110 дан ортиқ иқтибос далолат беради. “Тажрибалар” асарида “*Loix*” ва “*République*” асарларининг ҳар бири 20 дан зиёд ҳаволалари билан ўз хиссаларини қўшган, “*Timée*” дан 16 та “*Gorgias*” ва “*Phédon*” асарларидан эса энг кам 6 та ва 4 та иқтибос келтирилгани тадқиқот жараёнида аниқланди.

Фазилат (*vertus*) лексемалари гуруҳи иллат (*vices*) лексемалар синфига қарама-қаршидир. Феноменологик жиҳатдан яхшилик ва ёмонлик меъёрий-баҳоловчи тушунча ҳамда ҳодисалар сифатида намоён бўлади ва нима баҳоланиши кераклигига қараб, улар ахлоқий қадриятга эга бўлган фазилатлар, унда бўлмаган иллатларга кўра ажралиб туради²¹.

Н.Г.Севостянова яхшилик ва ёмонликни диалектик кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди, яхшилик ўлчовини тушунишга ҳаракат қилади, бундан ташқари, у ёмонликка айланиши ҳам мумкин. Яхшилик ва ёвузликнинг қарама-қаршилиги тўғри ва ҳақиқий, идеал ва ҳақиқат, мотив ва иш, ўзини-ўзи қадрлаш ва жамоатчилик фикри ўртасидаги тафовутни кўрсатади²². Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” матнида фарзанд тарбиясида салбий хислатларнинг ижобийлик мақсадида қуйидаги лексемалар мисолида ижобийлик жиҳатлари аниқланди.

1 расм.



Мутафаккир *état violent et passager* ифодаси “*colère*”(n.f)- *ғазаб, нафрат*,

²⁰ Christodoulou K. Montaigne et l’Histoire des Hellènes, éd. – Paris, 1994. – P. 276.

²¹ Севостянова Н.Г. Добро и зло // Новейший философский словарь / сост. А.А. Грицанов. – Минск, 1999. – 22-36 с.

²² Новиков Л.А. Семантический анализ противоположности в лексике: принципы, аспекты, метод // Филол. науки. – 1973. – № 3. – С. 55-67.

қахр, жаҳл, зарда, жаҳолат лексемасини асардаги қўлланилиш частотаси 79та. Ёзувчи асарда юқори поғонадаги бирлик қилиб танлаган лексемага бир қанча полисемем лексемаларни “*colère*”(n.f.)-жаҳл оти ўрнида қўллайди, жумладан; “*rage*” – қахр, “*haine*” – нафрат, “*despit*” – зулмкор, “*fureur*” – ғазаб, “*inflammation*” – яллиғланиш, “*fièvre*” – асабларнинг ташқи таъсирдан қўзғалиши “*excès*” – суиистеъмол қилиш, “*ulcère*” – ранжитиш “*fièvre*” – асабийлик, “*vicieuse aspreté*” – қаттиқ кўполлик, “*passion veine*” – туйғуга берилувчан каби денотат маъносида қўллаган.

“Тажрибалар” асарида катта лексик ҳудудни қамраб олган “*confession*” (n.f) – “*Confesser*” лексемаси асарда “*ces traits de ma confession*” – “*иқроримнинг бу жиҳатлари*” дея сўз бирикмасини ҳосил қилади. Шунингдек, “*parler*” – гапирмоқ ва “*écouter*” – эшитмоқ феълени иқрор маъносида қўллайди: “*J’escoute à mes resveries par ce que j’ay à les enroller*” – Мен ўз орзуларимга иқрор бўламан, чунки мен уларнинг измидаман; “*je parle au papier*” – мен қоғозга сўзлайман²³. Алоҳида аҳамият беришни “*écouter*” феълени танлаш билан амалга оширган.

Action de contredire une affirmation ифодасидаги “*contradiction*” (n.f) -- *зиддият, қарама-қаршилик, зидлик, тескарилик* каби маънодаги навбатдаги лексеманинг мутафаккир томонидан асарда қўлланилиш частотаси 19та. Монтен “*contradiction*” тушунчасининг фазилатини ҳис қилиб, қачон зидлик, тескариликга дуч келинса буни инкор этиш зарур дея таъкидлаган.

“Салбий хусусият” лексемасининг ижобийлик жиҳатида қўлланган manque d'intelligence ифодасидаги “*bêtise*” (n.f) лексемаси *аҳмоқлик, тентаклик* маъноларида келган. Ёзувчи “*bêtise*” лексемасига синоним қилиб “*sot*”, “*sotte*” лексемасидан кўп ўринларда фойдаланган.

“Тажрибалар” асаридаги vive hostilité envers quelqu'un ифодасида келтирилган “*haine*”(n.f)- нафрат, ёмон кўриш, адоват, кек, хусумат, гина, қахр, ғазаб каби маънолардаги лексема ўз ўрнида *бағрикенглик, муроса* лисоний бирликларига зид маънода қўлланган²⁴. Адиб феъл шаклида биринчи шахсда “*je hay*” тарзда қўллаганида одатда, “*passions vicieuses*” – ҳаётий эҳтирослар, “*la cruauté*” – шафқатсизлик, “*la flatterie*” – хушомадгўйлик, “*le pédantisme*” ўтакетган расмиятчилик, “*le snobisme*” – бемаънилик, “*l’hypocrisie*”²⁵ – икки юзламачилик кабиларга нисбатан нафратни ифодалаган.

Altération de la santé ифодасидаги “*maladie*” (n.f) - *касаллик, хасталик, касал, дард* лексемаси “Тажрибалар” асаридаги қўлланилиш частотаси 169та, от, олмош, феъл, сифат даражалари, равиш ва предлоглар қуршовида қўлланган. Асарда муаллиф “*maladie*” лексемасининг эмотивлигини очиб беришда “*trouble*” (*саросима, нотинчлик, бесаранжомлик, безовталиқ, ҳаяжон*) семемаси синоним сифатида 134 мартаба фойдаланган.

Кўриб ўтилган “салбий хусусият” таърифидаги лексемаларнинг эмотив таъсирчанлиги ортидаги ижобийлик жиҳатлари кишида тушунчалар

²³ Montaigne M. Les Essais / edition de Pierre Villey. – Paris: Presses Universitaires de France, Livre I,II,III (Volume 1,2,3), 1965. 633,846,369,263,653,665,790.

²⁴ Legros A. Essais sur poutres: Peintures et inscriptions chez Montaigne. – Paris, 2000. – 75 p.


²⁵ Montaigne M. Les Essais / edition de Pierre Villey. – Paris: Presses Universitaires de France, Livre I,II,III (Volume 1,2,3), 1965. 429,253,133,136,646

